

Ishonch

2020 йил 13 февраль • пайшанба • № 23 (4308)

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



Носиҳ сўзи санга
неча мардуд ўлғай,
Яхши-ю ямон
қошингда нобуд ўлғай.
Бори эмди маош
бир навъ этким,
Ҳақ рози-ю, олам эли
хушнуд ўлғай.

Захириддин
Муҳаммад Бобур



КҮН НАФАСИ

Президентнинг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини» «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармони лойиҳаси ҳамда 2020 йил Давлат дастури лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилди.



Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.



Ўзбекистон ҳукумати Хитойнинг коронавирус билан курашаётган Хубей провинциясига энг зарур маҳсулотлардан иборат инсонпарварлик ёрдами жўнатди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева 11 февраль куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг Европа бюроси минтақавий директори Ханс Клюге бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.



Ўзбекистон Республикаси делегацияси Москва шаҳрида бўлиб ўтаётган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Миллий координаторлари кенгашининг (ШХТ МКК) йиғилишида иштирок этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 февраль куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбатда давлат раҳбарлари кўп қиррали Ўзбекистон – Россия ҳамкорлиги жадал ривожланаётгани ҳамда стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил мустаҳкамланаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

2019 йилда ўзаро ҳамкорликда салмоқли амалий натижаларга эришилгани ва барча даражадаги мулоқотлар сезиларли фаоллашгани алоҳида қайд этилди.

Хусусан, икки томонлама товар айирбошлаш ҳамжи юқори суръатлар билан барқарор ошмоқда. Бир йилнинг ўзига 500 қўшма корхона ташкил этилди, Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида устувор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Таълим

МАҲАЛЛА – ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 12 февраль куни маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маҳалла тизими жамиятимизнинг энг муҳим ва таянч бўғини ҳисобланади. Кейинги уч йилда уни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, маҳалла институтига оид 38 та қонун ва меъёрий ҳужжат қабул қилинди, 50 дан ортиги такомиллаштирилди. Жамият ҳаётида жонбозлик кўрсатган соҳа ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирланди. Фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котибларининг ойлик иш ҳақи ўтган йилнинг ўзига 1,5 баробар оширилди.

Сўнгги уч йилда 624 та маҳалла идораси янгидан қурилди, 2 минг 265 таси реконструкция қилинди ва таъмирланди. 102 та туман ва шаҳар марказида «Маҳалла маркази» мажмуалари барпо этилди. Ҳар бир фуқаролар йиғинида «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари, 4 мингдан зиёд маҳалла биноларида кутубхоналар ташкил қилинди.

Маҳалла фаолларининг масъул ташкилотлар ва профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигида охириги уч йилда 87 мингга яқин кам таъминланган оила эҳтиёжмандлик даражасидан чиқарилди.

Президентимиз маҳалла тизимидан халқ ҳам, давлат ҳам тўла рози эмаслигини, бу соҳада камчилик ва долзарб масалалар кўплигини таъкидлади.

Хусусан, маҳаллаларда 18 мингдан ортиқ ходим фаолият кўрсатиб келаятган бўлса-да, уларнинг иши самарали ташкил этилмаган. Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тизим йўлга қўйилмаган. Оқибатда айрим маҳаллаларда нотинч оилалар, ҳуқуқбузарликлар кўпайган. Шунингдек, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар орасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари учраётгани жуда ачинарли.

Тошкент шаҳри Тарғибот

Етакчилар янги қонундан хабардорми?



Касоба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асоси ҳисобланган ва жорий йилнинг март ойда қучга кирадиган «Касоба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ҳужжатни амалиётга татбиқ этишдаги муҳим жиҳатлар билан касоба уюшмалари аъзолари, соҳа вакиллари ва раҳбарларини ошдириш мақсадида Тошкент шаҳар касоба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширмоқда.

Шу мақсадда Тошкент минтақавий темир йўл узели ҳамда «O'ZLITINEFTGAZ» АЖда Тошкент шаҳридаги қатор вазирлик ва идоралар вакиллари, бошланғич касоба уюшмалари раислари ва касоба уюшма фаоллари иштирокида ўқувлар ўтказилди.

Уларда янги қонунда бошланғич касоба уюшмалари, иш берувчи ва ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, белгиланган имтиёз ҳамда ваколатлар, шунингдек, янги киритилган моддаларнинг моҳияти ҳусусида йиғилганларга атрофлича маълумот берилди.

Иштирокчилар иш берувчи ва бошланғич касоба уюшмаси ўртасидаги муаммоли ҳолатлар, иш ҳақлари, моддий ёрдам каби ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда эътибор қаратиш зарур бўлган масалаларни муҳокама этишди.

Тадбирда янги қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши бўйича Тошкент шаҳар касоба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан тайёрланган видеолар, шунингдек, саҳна кўриши орқали меҳнат муносабатларида учрайдиган муаммоли ҳолатлар кўрсатиб берилди.

Аъзам АБУЛҲАЙЙОВ, «ISHONCH»

Қозоғистон касоба уюшмалари Федерацияси делегацияси вакиллари: ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲАМҚАСБЛАРИМИЗДАН КЎП НАРСАНИ ЎРГАНДИК

Аввал хабар берганимиздек, Қозоғистон касоба уюшмалари Федерацияси делегацияси вакиллари икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда тажриба алмашиш мақсадида юртимизга ташриф буюрди.

Меҳмонлар ташриф давомида Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси тизимида фаолият кўрсатаётган муассасалар ва тармоқ касоба уюшмалари фаолияти билан яқиндан танишди.

Делегация вакиллари Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институтига тингловчилар учун яратилган шароит ва қўлайликларни ҳамда таълим бериш тизимини юқори баҳоладилар.

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси қошидаги Юридик клиника фаолияти билан яқиндан танишув меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Юридик клиникаси негизда ташкил этилган Қайта алоқа механизми доирасида Call-Center ва Telegram тармоғидаги махсус



бот, уларга фуқаролар ёзма, оғзаки ва интернет орқали мурожаат қилиб, ижтимоий-меҳнат муносабатлари ҳамда ҳуқуқлари тўғрисида бепул маслаҳатлар олиш имкониятини яратилгани делегация аъзолари эътиборини тортди.

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясининг Даволаш профилактика маркази ҳамда «Турон» санаторийси фаолияти билан танишиш жараёнида делегация аъзолари даволанувчиларга яратилган шароитлар, уларга кўрсатилаётган

тиббий хизматнинг юқори сифати таҳсинга сазовор эканини таъкидладилар. Айниқса, Даволаш профилактика марказининг энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар, диагностика текширув аппаратлари билан таъминлангани, биохимик таҳлил лабораторияси фаолияти, даволанувчилар учун ётоқ мажмуаларида яратилган шарт-шароитлар юқори баҳоланди.

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси нашрлари – «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари таҳририятида ўтқа

зилган учрашув меҳмонларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Ижодий жамоа билан сўхбат жараёнида газеталарнинг мазмун-мундарижасини бойитиш, газетачилар учун қизиқарли бўлган мавзуларни қамраб олиш борасидаги саъй-ҳаракатлар мазкур нашрлар аъзосини ошдириш имконини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Ташриф давомида делегация вакиллари Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси аппаратининг бўлимлари, Агросоаноат мажмуи ходимлари касоба уюшмаси ҳамда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касоба уюшмаси Республика кенгашлари фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Самимий сўхбатлар жараёнида Қозоғистон касоба уюшмалари Федерацияси делегацияси вакиллари Ўзбекистон касоба уюшмаларининг фаолиятини юқори баҳолаб, бу борада қўллаб қўйиш қарорларини ўрганиш имконига эга бўлганини мамнуният билан қайд этишди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари

Эътироф

Азиз газетхонлар!

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарини ўз вақтида оляписизми?

Таҳририят газеталарнинг ўз манзилига етиб боришини доимий назорат қилиб бориш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида «Муштарий гуруҳи» каналини ташкил қилди. Агар Сизга газета ўз вақтида етиб бормаётган бўлса, қуйидаги ҳавола – t.me/ishonchmurojaat орқали телеграм гуруҳига қўшилиб, таҳририятга мурожаат қилишингизни сўраймиз. Шунингдек, мурожаатлар [+998712568773](tel:+998712568773) телефон рақами орқали ҳам қабул қилинади.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...

ХОҚ ИШОНИНГ, ИШОНМАНГ

пойдевори йўқ, нураётган ва яроқсиз мактаблар бор...

